

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Тожалиев	
Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида мұхим омил	66
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Н.Каримов	
Исҳоқон Ибрат: янги маълумотлар.....	69
Ҳ.Худоймуродова	
“Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти”да биографик метод.....	74
О.Абобакирова	
Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услугубий хусусиятлари	77
ТИЛШУНОСЛИК	
М.Ҳакимов, М.Фозиева	
Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
Р.Шукров, Г.Жўрабоева	
Исҳоқон Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили	87
О.Бегимов	
Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир	92
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Л.Ахмедова	
Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш	96
Ж.Жалолов	
Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
А. Ўринов, Г.Собиржонова	
Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
Д.Орипов	
Каср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида	108
Н.Тўхтасинова	
Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари	111
Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова	
Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айrim масалалари	113
М.Усманов	
Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
М. Раджабова	
Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар)	118
Б.Бахриддинова	
Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар	121
З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева	
Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили	124
И.Хожалиев, И.Аҳмаджонов	
Термин ва талқин муаммосига доир	127
Б.Қурбонова, З.Каримова	
Ўзбек ва қыргиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши	130
Г.Икромова	
Шароф Бошбеков драмаларининг айrim фонетик хусусиятлари	132
ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси	135
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	137

УДК:33+371.044.4

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ – ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА МУҲИМ ОМИЛ

А.Тожалиев

Аннотация

Мақолада инновацияларни жорий этиши муаммолари жамиятнинг барқарор ривожланиши учун муҳим омил сифатида ўрганилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган испоҳотлар орқали жамиятда инновацияларнинг жорий этиш тизимини тақомиллаштиришдаги замонавий муаммоларни ҳал қилишга ёзтибор қаратилган.

Annotation

Автор исследует проблемы внедрения инноваций как важного фактора устойчивого развития общества в новых условиях. Сделана попытка связать современные задачи совершенствования системы внедрения инноваций в обществе с реформационными процессами в стране.

Annotation

In the article the author investigates the matters of insertion of the innovations in new conditions as an important factor of a sustainable development of a society. The attempt to connect modern problems of perfection of system of insertion of innovations in society with reforming processes in the country is made.

Таянч сўз ва иборалар: олий таълим, испоҳотлар, ёшлар, инновация, бозор иқтисодиёти, жамият, барқарор ривожланиш.

Ключевые слова и выражения: высшее образование, реформа, молодежь, инновация, рыночная экономика, общество, устойчивое развитие.

Key words and expressions: higher education, reform, youth, innovation, market economy, society, sustainable development.

Хозирги даврда глобализм шароитида инсоният бошидан кечираётган муаммолардан бири ижтимоий масалалардир. Глобал характерга эга бўлган интеграцион жараёнлар бевосита инновацияларга боғлиқ. Жаҳондаги етакчи илмий марказларда янги ижтимоий воқеликни, яъни инсоният инновацион дунёсини шакллантириш зарурияти ҳақидаги фикрлар илгари сурилмоқда. Шунинг учун ҳам “2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном бериб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганимиз ўтган иили яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди”[1].

Ижтимоий ҳаётга шахсий компьютер, турли микропроцессор технологиялар, мобил телефон алоқаси, спутник телеведениеси, Интернет каби радикал инновацияларнинг татбиқ этилиши ҳозирги замонда инсон ҳаётини, фаолиятини тубдан ўзгартирди. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, “буғунги кунда ёшларимизнинг билим ва маълумот олишининг асосий манбаи Интернет экани ҳеч кимга сир эмас”[1].

Хозирги давр, яъни янги ривожланиш босқичининг ўзига хос хусусияти кенг қамровли инновацион ўзгаришлардан иборат. Мамлакатимизда барқарор тараққиёт даврида ижтимоий-иқтисодий тизимда туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлаётганлигини

қайд этиш лозим. “Инновация” атамаси Ўзбекистонда илмий атама сифатида, чоп этилаётган мақолаларда, оммавий ахборот воситаларида, тадбиркорлар, илмий ходимлар, раҳбарлар нутқларида кенг кўлланилмоқда. “Инновация” сўзи ўз мазмуни билан маълум даражада ушбу субъектнинг жамиятдаги юқори рейтингини белгиловчи кўрсаткич ўрнини ҳам бажармоқда. Инновация шахснинг фаолияти давомида инновацион технологиялар ва усуслардан самарали фойдаланиш, ижтимоий ҳаётда илгарилаб бориш жараёнида прогрессив йўналишларни белгилаб олиш имкониятини билдиради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюролари, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир”[1]. Янги ривожланиш босқичида бундай кенг қамровли ишларнинг асосий мақсади, ёшлар учун, уларнинг инновацион фаолияти учун барча имкониятларни яратишдан ва қобилиятили, ёш олимларнинг тадқиқот ишларини тадбиркорлик субъектлари томонидан кўллаб-қувватланишларидан иборат бўлган стратегик йўналиш белгиланганидан дарак беради. Инновациялар ҳозирги даврда жамият ва маданият субъектларининг ўзаро муносабатларида, яъни шахс ижтимоий маданий ривожланишнинг ижобий кўриниши сифатида намоён бўлмоқда. Шу билан биргаликда, жамиятда ҳозирги кунгача

А.Тожалиев – ФарДУ ўқитувчisi.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

мавжуд бўлган, инсон фаолиятида учрайдиган эскилик анъаналарини инкор этади. Инновациялар ҳозирги даврда фақат иқтисодиёт тармоқларига дахлдор бўлмасдан, балки жамиятнинг барча жабҳалари, жумладан, бошқарув, таълим, соғлиқни саклаш, маданият ва янги соҳа ҳисобланадиган ижтимоий ишни ҳам ўз ичига олади.[2] “Инновация” сўзини инсон ҳар кунги фаолиятида учратади, эшитади, кўради ва унинг мазмуни ҳамда мақсадлари ҳақида фикр юритади. Ривожланган давлатларда жамиятнинг келажақдаги ривожини бевосита инновацияларга боғлашади ва ушбу жараённи нафақат техник-технологик, шунингдек, сиёсий, ҳукуқий, маданий, ижтимоий тармоқларда ҳам мунтазам сифат ўзгаришлар содир бўлиши кўзда тутилади. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, инновация биринчи навбатда ижтимоий феномендир.[4] Муаммони илмий асосда, ҳозирги даврдаги аҳамияти ва ижтимоий-фалсафий нұқтаи назаридан ўрганиш, тадқиқ этишининг долзарблиги шундан иборатки, мамлакатимизда янги ривожланиш босқичига хос бўлган жараёнларнинг инновацион характерга эгалигидир. Таъкидлаш лозимки, фалсафий билиш назарияси, ўзининг илмий асосга эгалиги билан атроф-муҳит ва жамиятни ўрганишда бошқа усуслардан мутлақ фарқ қилади. Инновациянинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини англаш, бир қатор назарий масалалар ва воқеликнинг асосий мақсади ҳамда ечимини топиш усуслари билан боғлиқ, яъни инновация “билиш, огоҳлантириш, бошқариш, такомиллаштириш” мазмунида кечади.[5] Чунки янги ривожланиш босқичида ижтимоий-фалсафий ёндашув фақат билдирилаётган фикрлар ва илгари сурилаётган фаразлардан иборат эмас, балки ушбу фаннинг ютуқлари муайян даражада ижтимоий борлиқни ўзгартиришга хизмат қилади.

Инновация тарихига назар ташласак, шу нарса маълум бўладики, дастлаб инновацияларга маданият соҳасида содир бўлаётган, яъни жамиятнинг илгариги босқичида кузатилмаган, жамиятнинг кейинги ривожланиш босқичида, инсон фаолиятидаги муайян ўзгаришларда вужудга келган янгиликлар кўзда тутилган.

Шунингдек, инновация муаммосини иқтисодий ривожланишнинг маълум даврдаги асосий манбаи сифатида иқтисодий фанлар ўрганган. Шунинг учун ҳам ушбу илмий муаммо узоқ вақтдан бери тадқиқотчилар назаридадир. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий фанлар инновацияни биринчи навбатда техник-технологик инновациялар нұқтаи назаридан тадқиқ қилган.

Тадқиқотчилар техникавий янгиликлар натижасида кўлга киритилган иқтисодий ютуқлар, хўжалик юритиши жараёнида илмий-техникавий ўзгаришларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ривожи ёки алоҳида олинган субъект фаолиятида намоён бўлиши жараёнини кўзда тутгандар. Иқтисодий назария билан шуғулланадиган олимлар томонидан, инновация тушунчаси алоҳида илмий муаммо сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам хорижий адабиётларда инновация тушунчаси мазмунига бир томонлама ёндашувни кузатамиз, ушбу ҳолатда инновацияга фақат илмий-техникавий ҳолат, яъни ишлаб чиқаришда янги маҳсулот олиш, технологик янгиликларни кўлга киритиш ва пировард натижада зудлик билан фойда олишга қаратилган фаолият сифатида тушунилган. Ҳозирги даврда инновация муаммосига бағишлиланган илмий мақола, китоблар сони ортиб бормоқда. Шунга қарамасдан, ушбу илмий, фалсафий муаммонинг назарий методологик жиҳатлари чуқур тадқиқ этилмаган. Инновация сўзи мазмуни, тушунчasi илмий билимлар жараёнида турлича талқин қилинади. Чунки бундай ҳолат ушбу терминнинг фанларро тушунча сифатида кенг тарқалганлиги ва инновация феноменининг мураккаблигига боғлиқдир. Таъкидлаш лозимки, илмий адабиётларда инновация термини қисқача мазмунининг иқтисодий, техникавий, технологик, социологик жиҳатларига эътибор берилган. Инновацияларнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини ўрганишда унинг асл моҳияти, инсон фаолиятидаги муҳим воқелик сифатида, яъни инсоннинг биологик, ижтимоий-маданий ҳаётига таъсири эътиборга олиниши лозим. Шунинг учун ҳам янги ривожланиш босқичида инновацияларнинг назарий жиҳатларини чуқур ўрганишга зарурият вужудга келди, унинг жамиятдаги ўрни, мазмуни, аҳамиятини англашга тадқиқотчилар томонидан қизиқиш мунтазам кучайди, шу билан биргаликда инновациянинг инсон фаолиятидаги аҳамияти ошиб бораётганлиги кузатилиб, унинг амалиётдаги ўрнига талаб ошди.

Ҳар қандай инновацион фаолият ижтимоий ҳаётни ва табиии атроф-муҳитни тизимли ўзгартиришга хизмат қилади. Шу муносабат билан қайд этиш даркорки, инсон амалий фаолияти томонидан атроф-муҳитнинг, энг кичик ҳажмда бўлса-да, ўзгартирилиши илмий хуласаларга эга бўлган лойиҳалар асосида амалга оширилиши лозим. Жамиятшунос, эколог олимлар томонидан инсоннинг антропоген фаолиятининг кенгайиб бориши натижасида атроф-муҳитга етказилаётган заарарининг салбий оқибатлари хусусида мунтазам огоҳлантиришган. Шу муносабат билан ривожланган мамлакатларда илмий билишнинг янги тармоғи

—“футурология”, яъни “келажак ҳақидаги фан” жамоатчилик орасида кенг тарқалди ва шу муносабат билан илмий-техник тараққиёт ва илмий-техник инқилобнинг салбий оқибатлари ҳақидаги дастлабки хulosалар вужудга келди. Ҳозирги даврда илмий-техник тараққиёт, илмий-техник инқилоб тушунчалари ўрнини “инновация” тушунчаси эгаллади.[6] Инновацион фаолиятнинг кенгайиши ва унинг мазмунида содир бўлаётган сифат ўзгаришлари, жамиятнинг инновацион ривожланиш тенденцияларини, инновацион ривожланиш қонуниятларини очишни, янги фанлар тармоқлари ишланмаларини шакллантириш, инноваторларни тайёрлаш учун муайян стандартларни вужудга келтириш жараёнини, илмий жиҳатдан чукур мазмунда англаш вазифасини илгари суради.[3] Таъкидлаш лозимки, инновацияларни турли дунёкараш ва қадриятларга, ҳиссиёт, хоҳиш, истакларга эга бўлган, муайян мазмунда фаолиятида умумийлик туйғулари билан бирлашган инсонлар томонидан яратилади. Инноваторларнинг асосий фаоллиги жадал, илмий асосланган инновацион фаолиятда намоён бўлади.

Инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, инноваторлар атроф-муҳитни ўзgartериш зарурияти билан боғлиқ бўлган жараённинг умумий қонуниятларини, инновацион жараённинг моҳияти, хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари ва уларнинг яратувчилик фаолияти табиатдаги каби мукаммаликка йўналтирилганлигини англашлари

лозим. Инновацион жараёнларни илмий хulosалар асосида бошқариш инсонга яқин келажакни, баъзан бир неча ўн йилликларга, баъзи ҳолларда узоқ муддатга мўлжалланган фикрларни шакллантириш имкониятини вужудга келтиради. Инсон мунтазам суратда яаш шароитини такомиллаштиради, шу билан биргалиқда ушбу ҳолат унинг руҳиятида ўз аксини топади, бўлаётган воқеликни шахсан анализ қиласди, фаолияти учун зарур бўлган хulosаларни чиқаради. Бу жараёнда инсон ўзини ўзи назорат қиласди ва ўзини ўзи бошқаради. Инсон бошқа жониворлардан асосан ушбу жиҳатлари билан фарқ қиласди ва бу билан қандай яаш керак, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиласди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, янги ривожланиш босқичида Ўзбекистон жамияти аъзолари ва келажакдаги ишлар ечимини топишлари учун уларга хос бўлган билиш жараённинг барча имкониятлардан самарали фойдаланишлари зарур. Юқоридагилардан маълум бўладики, ижтимоий-фалсафий методологияга асосланган ҳолда, мураккаб феномен бўлган инновациялар мазмуни ва характеристини англаш учун унинг назарий асосларини билиш лозим. Инновацион жараёнларни амалиётдаги бошқарувига ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан қараш, унинг табиати, характеристи, натижалари, мазмунига янгича, илмий асосда ёндашув заруриятини вужудга келтиради.

Адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. - 2018 йил 28 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5264-сон Фармони. –“Халқ сўзи” газетаси, 30 ноябрь, 2017 йил.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллый базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон.
- 4.Хакимов Н.Х. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни самарали таъминлашда малакали кадрларнинг роли. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини инновацион ривожлантириш: хорижий тажриба, тенденциялар ва истиқболлар илмий-амалий конференция тезислари тўплами. – Тошкент. -12 октябрь, 2018 й.
- 5.Хакимов Н.Х., Р.Х.Рузиева. Реформирование науки и высшего образования как важный фактор в поддержке активного предпринимательства, инновационных идей и технологий. Узбекистан на пути к инновационному развитию. Сборник научных трудов. -Т., 2018.
- 6..Хакимов Н.Х.Непрерывное образование как важный фактор воспитания молодежи на современном этапе. Новые тенденции в экономической науке и образовании. Монография. -Т., 2018.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)